

ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Шомирзаев Махматмурод Хурамович,

*Термиз давлат университети технологик таълим кафедраси доценти,
педагогика фанлари доктори (DSc)*

e-mail: shomirzaevm@tersu.uz

Аннотация: Мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг технология ўқув фани машғулотларида янги педагогик технологияларидан таълим этишнинг баъзи жиҳатлари, жумладан технология фани дарсларида интерфаол методлардан фойдаланишнинг самарадорлиги тўғрисида мушоҳадали фикр - мулоҳазалар юритилган.

Таянч сўзлар: технология, ўқувчи, ўқитиш, миллий таълим-тарбия, интеграциялашган дарс, интерфаол дарс, педагогик технология, таълим технологияси, ўқитиш технологияси, технологик жараён, технологик операция, технологик харита, технологик режим, таълимни технологиялаштириш, моҳият, мазмун, қизиқиш, касб, ҳунар, натижа.

Аннотация: В статье рассматриваются некоторые аспекты организации новых педагогических технологий при обучении технологии в общеобразовательных школах, в том числе эффективность использования интерактивных методов на уроках технологии.

Ключевые слова: технология, студент, обучение, национальное образование, интегрированное занятие, интерактивное занятие, педагогическая технология, образовательная технология, технология обучения, технологический процесс, технологическая операция, технологическая карта, технологический уклад, технологизация образования, сущность, содержание, интерес, профессия, профессия, результат.

Annotation: The article discusses some aspects of the organization of new pedagogical technologies in the teaching of technology in general secondary schools, including the effectiveness of the use of interactive methods in technology lessons.

Keywords: technology, student, teaching, national education, integrated lesson, interactive lesson, pedagogical technology, educational technology, teaching technology, technological process, technological operation, technological map, technological mode, technologicalization of education, essence, content, interest, profession, profession, result.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир вилоятга ташрифи доирасида ўтказилган йиғилишларда, турли учрашувларда сўзлаган маъруза ва суҳбатларидан баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш масалаларига кун тартибидаги долзарб масала сифатида қарашиб келинмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”[1]

Бинобарин Президентимиз томонидан 2020 йил йил 6 ноябрдида имзоланган “Ўзбекистоннинг янги тарққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6108 Фармонда ҳам “Мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун зарур кўникма ва билимлар бўлишини шакллантириш” мазкур соҳадаги асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган[1]. Бу масала бошқа фанлар қатори технология фанини ўқитишда ҳам асосий вазифа ҳисобланади. Бунинг учун эса ўқитиш жараёнида таълим усулларида унумли ва оқилона фойдаланиш ҳамда бу усулларни такомиллаштириш, янгиларини излаб топиш, қўллаш орқали технология фани машғулотларининг самарадорлигини ошириш талаб қилинади. Шу сабабли бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидаги асосий долзарб масала – таълим усуллари ва шакллари яхши эгаллаган, уларни амалда қийналмай қўллай оладиган малакали ўқитувчи кадрларни тайёрлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Чунки ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, уларни касбларга йўналтиришда ўқитувчи шахси ва унинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Бинобарин ўқитувчи олиб борадиган очик мулоқот тарзидаги машғулот жараёнини бошқа ҳеч нарса боса олмайди. Шу сабабли ҳам малакали етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш учун, уларнинг касбий маҳоратини ошириш учун таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим омил ҳисобланади.

Технология атамаси, унинг турлари ва қўлланилиши.Маълумки, “Технология” – юнонча “tehne” сўзидан олинган бўлиб, маҳорат, санъат ва “logos” – сўз, таълимот, фан маъносини англатади. Бу атама дастлаб ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда фанда 1870-йиллардан эътиборан ишлаб чиқариш соҳасида қўлланила бошлаган бўлиб, унга материалларга, ярим тайёр маҳсулотларга ишлов бериш, уларнинг таркибини, хусусиятларини, кўринишини, тайёрланишини, қўлланиш соҳасини ўзгартириш йўллари ҳақидаги фан сифатида қаралган. Технология техник (ишлаб чиқариш) ва гуманитар (таълим берувчи) технологияларга бўлинади. “Технология”, “Техник технология”, “Педагогик технология” тушунчалари нимани англатади?

Техник технология қуйидагиларни билдиради: хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ёки маҳсулотларни олиш, уларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўллари ва усуллари бирлиги, яъни бу ишлаб чиқариш технологияси бўлиб, у меҳнат предметларига ишлов бериш ва уларни қайта

ишлаш борасидаги услубларининг йиғиндисидан иборат (технологиянинг жараёнли-баёнли аспекти). Бошқача қилиб айтганда, юқорида кўрсатилган йўллар, усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи фан.

Технологиянинг фан сифатидаги вазифаси, моддий ресурслар ва вақтни энг кам сарфлашни талаб қиладиган самарали, тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ҳамда амалда қўллашга оид қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий аспекти).

Жараённинг ўзи эса – топиш, қазиб олиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, ташиш, омборга жойлаш, сақлаш ҳамда ишлаб чиқаришни техник назорат қилишдан иборат (технологиянинг жараёнли-ҳаракат аспекти).

Ишлаб чиқаришда, “технология” сўзидан келиб чиқадиган қўйидагитушунчалар ишлатилади.

Технологик жараён – ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлов беришда ягона жараённи ҳосил қилувчи технологик операциялар бирлиги.

Технологик операция – ишчи томонидан ўз иш жойида бажарадиган, якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

Технологик харита – маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда технологик операцияларни бажариш кетма-кетлиги баён қилинган ҳужжат.

Технологик режим – технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи тартиб бўлиб, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган операцияларнинг вақти, шартлари белгиланган бўлади.

Гуманитар технологиялар сафига кирувчи “педагогик технология” педагогик назария ва амалиётда шахсни шакллантирувчи, унинг сифатлари ва хусусиятларини ривожлантирувчи технологиялардан фойдаланувчи тарбиявий жараён ва ўргатувчи ҳамда дидактик технологияларни амалга оширувчи таълим жараёни ҳисобланади.

Миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш учун янги типдаги ўқув режа, ўқув дастури ва таълим стандартлари яратилди. Лекин уларни тўла амалга ошириш учун таълим мазмунига янги педагогик тажрибаларни, технологияларни олиб кириш, уларни жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш керак. Бинобарин ҳозирда оммавий равишда қўлланиб келаётган анъанавий таълим беришнинг синф-дарс усулининг ўз ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Қўлланилаётган маъруза, ҳикоя, суҳбат ва шунга ўхшаш усулларда кўпинча ўқитувчи берадиган фикр ўқувчига бир ёқлама сингдирилади. Бундай ҳолатда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги қайта алоқа кўнгилдагидек бўлмайди. Агар ўқитувчи-педагог маҳоратли ва сўзлашув маданиятига эга бўлса, фикрларини аниқ, содда ва тушунарли баён этишга уста бўлса – бу

усул билан ҳам мақсадга эришиш мумкин. Албатта бундай қобилиятга барча педагоглар тўлиқ эга эмаслар. Демак, муваффақиятнинг асосий гарови ўқувчиларнинг барчасини ўргатиш-ўрганиш жараёнига фаол жалб этишдир.

Таълим жараёнини, унга мукамаллик, аниқлик, тартиблилик, йўлга солинганлик, равонлик, вазминлик аломатларини бериш орқали машғулотлар самарадорлигини ошириш ва оптималлаштириш йўллари излаш педагогика соҳасида доимо олиб борилган. Ян Амос Коменский ўқув жараёнида “вақт, предметлар ва усуллар”ни шундай усталик билан тақсимланган дарсни ва унинг идеал кўриниши (варианти) ни излаб топишга ҳаракат қилган. Шунда, Коменскийнинг фикрича, “ҳамма нарса, тўғри вазминликдаги тошлари бўлган соат каби ҳамда бундай турдаги автоматни қуриш каби ёқимли ва қувончли ва охир-оқибатда, бунчалик моҳирлик билан яратилган инструментда эришиш мумкин бўлган тўғрилиқ билан илгарига қараб юради”. Замонавий педагогикада ҳам таълимнинг шундай моделлари, унга нисбатан шундай ёндашувлар ишланмоқдаки, улар таълимга, ишлаб чиқариш – технологик жараёндаги каби, маълум шароитларда ва белгиланган вақт ичида кўзланган таълим мақсадларига эришишни кафолатлайдиган характерни бериш имкониятини яратади.

Ўқитишга технологик ёндашиш, яъни ўқув жараёнини ҳам ишлаб чиқаришдаги жараён каби технологик – такрорланувчи хусусиятга эга қилиш бўйича дастлабки изланишлар XX асрнинг 60-йиллари бошларида америкалик олимлар томонидан олиб борилган. Хусусан, “педагогик технология” ибораси ҳам биринчи марта америкалик педагог олим Скиннер томонидан ишлатилган. Педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, таълим тизимида бу иборани пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлган:

1) дидактика принципларини барча мамлакатларда (хусусан АҚШ да) тан олинмаганлиги;

2) унинг қоидалари ўта конструктив характерга эга бўлмай, замон талабидан орқада қолганлиги;

3) XX асрнинг 60-йилларида таълим жараёнига техникани, дастурланган таълим машиналарининг кириб келганлиги ва ҳақозо.

Демак, педагогик технология оқими АҚШда дунёга келган бўлиб, XX асрнинг 70-80-йилларида деярли барча ривожланган мамлакатларни қамраб олди ва ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланди.

Таълимни технологиялаштириш ғоясининг асосини таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларни берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилган ўқув натижаларига эришишни

кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ишлари ташкил этади. Бундай ёндашишнинг моҳияти таълим жараёнини тизимлаштиришдан, уни аниқ расмийлаштирилган ва деталлари бўйича аниқ элементларга бўлиб ташлаш ёрдамида максимал шакллантиришдан иборат[10].

Педагогик технологияларнинг предмети – таълим тизимининг концептуал асосларига далил келтиришдан, мақсадларни қўйишдан, натижаларни шакллантиришдан, ўқув материални танлаш ва структуралаштиришдан, таълим моделини танлашдан то уларни амалга оширишгача, уларнинг оптималлик ва самарадорлик даражасини баҳолашгача лойиҳалаштиришдан таркиб топган. Ўша пайтда педагогик технологиянинг туб моҳияти, ўқитувчининг анъанавий оғзаки баён қилиш усулидан воз кечиб, тест асосида машина (компьютер) ёрдамида ўқитишдан, ўқувчиларни кўпроқ мустақил таълим олишга ундашдан иборат бўлган бўлса, ҳозир бу иборанинг маъноси янада кенгайиб кетди.

Ҳорижий мутахассислар ўқитиш технологияси тушунчасининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини уч босқичдан иборат деб ҳисоблайдилар. *Биринчи босқичда* ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчининг ўзи олиб борар эди ва унга ёрдам берувчи воситалар мавжуд бўлмаган. Н.Ф.Тализина ибораси билан айтганда, “инсон тажрибаси ўқитиш технологияси функциясини бажарган”. *Иккинчи босқичда* китоб ва қўлланмалар нашр этилгандан сўнг ўқитиш технологиясида мазмун жиҳатдан тубдан ўзгариш содир бўлди: ўқитувчи, ўқувчи ва талабалар учун яратилган дарслик ва дидактик материаллар қаторига турли техник воситалар, замонавий компьютерлар (ўргатувчи машиналар) ҳам қўшилди. Келажакда илмий-техник тараққиёт инқилоби таъсирида олий мактабда ўқитиш технологиясини янада такомиллашуви назарда тутилмоқда.

Адабиёт ва матбуот саҳифаларида педагогик технология иборасини турлича талқин қилиш ҳоллари учрамоқда. Бу ўринда биз қуйидаги таърифларни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Профессор Гольбрайт педагогик технологияни қуйидагича таърифлайди: “Ўқитиш технологияси илмий ва бошқа билимлардан системали равишда амалий масалаларни ҳал этишда қўллашдан иборат”. Скиннер эса: “Ўқитиш технологияси – психология эришган ютуқлардан педагогик амалиётда фойдаланишдир”, деб ўқитиш усулига технологик ёндашишнинг туб моҳиятини, уни инсон психологиясига асосланганлигини таъкидлайди.

Ўқитишни технологик усулда ташкил этишнинг анъанавий усулларганисбатан тубдан фарқ қилувчи асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир мавзу (ўқув бирлиги) бўйича идентификацияланган ўқув мақсадларни ажратиш, уларга мувофиқ ҳолда тест топшириқларни тузиш.

2. Ўқув жараёнини ташкил этишни асосан мустақил ўзлаштиришга ўтказиб, ўқитувчига эса йўлловчи, маслаҳат берувчи функцияларни қолдириш.

3. Ўқитиш жараёнини такрорланувчан шаклда ташкил этиш, ҳар бир ўқув бирлигини барча ўқувчилар ва талабалар томонидан тўла ўзлаштиришни таъминлаш.

4. Ўқувчи-талабаларни фанга (мутахассисликка) оид ташқаридан кузатиши мумкин бўлган ҳаракатларни бажаришга ўргатиш.

5. Ўқитиш натижасига қараб ўқув жараёни мақсади ва мазмунига тегиш-ли тузатишлар киритиб бориш ва ҳ.

АҚШда яратилган ўқитишга технологик ёндашиш усули ҳозирга кунда жаҳондаги бир қатор мамлакатларда (Англия, Франция, Япония, Корея, Тайванд, Малайзия ва ҳ.) муваффақиятли қўлланилмоқда. Бу ғоя ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланиб, барча мамлакатларга жорий этиш учун тавсия этилган.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик характерни киритиш йигирманчи асрнинг 50-йиллардан бошланган. Булар анъанавий ўқитиш учун техник воситалар мажмуасини яратишда ўз ифодасини топган. Ҳозирги вақтда педагогик технологияга оддийгина “ўқитишнинг техник воситаларидан ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар сифатида қаралмайди; бу ўқитиш самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш ва қўллаш йўли билан ҳамда қўлланилаётган усулларни баҳолаш воситасида таълим жараёнининг тамойилларини аниқлаш ва оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотлардир”. В.П.Беспальконинг фикрича барча таълим-тарбия ишларини педагогик технология йўлига ўтказиш – ўқув амалиётини, педагогик жараённи қуриш ва амалга оширишда ихтиёрийликдан унинг ҳар бир элементини ва босқичини тартибли асослашга, объектив ташҳис қилинадиган яқуний натижага интилишга кескин равишда бурилишини ифодалайди.

Ҳозирги пайтда педагогик фан ва амалиётда “*педагогик технология*”, “*таълим технологияси*”, “*ўқитиш технологияси*” каби атамалардан кенг фойдаланилади. Уларнинг умумий ўхшашлик томонлари билан бирга, уларни тушуниш пайтида алоҳида фарқлар ҳам мавжуд. Жумладан педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли катогория. Технологияларнинг барча бошқа тушунчаларини белгилаш учун синоним сифатида таълим технологияси, ўқитиш

технологияси кабиларни ишлатиш мумкин. Ўқитиш технологияси, биринчидан, педагогик технологиянинг жараёнли ҳаракат аспектини англатади. Бу таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, ажратилган вақт давомида кўзланган натижаларига кафолатли эришишга ва муайян таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни таъминловчи усул ва воситалар (технологик операциялар)нинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирган таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёни; иккинчидан, педагогик технологиянинг жараёнли-баёнли аспектини ифодалайди. Бу мақсадни амалга ошириш ва истиқболда белгиланган натижага эришиш бўйича педагогик ҳам-да ўқув фаолияти лойиҳасини бажаришнинг баёнидир (технологик харита).

Таълим технологияси – педагогик технологиянинг илмий аспектини белгилаш учун ишлатилади. Бу (фан предмети), “техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларни, ўз олдидаги таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули”.

“Педагогик тизим”, “таълим технологияси”, “ўқитиш технологияси” ва “предметли методика” тушунчаларининг ўзаро ўхшашлиги ва фарқи нимада намоён бўлади?

Бу тушунчаларининг қиёсий тавсифи қуйидагича: Педагогик тизим (ПТ) – белгиланган сифатларга эга шахсни шакллантиришга қаратилган мақсадли ва олдиндан белгиланган педагогик таъсир кўрсатиш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар, жараёнлар бирлигидан иборат маълум бир бутунлик. ПТ компонентлари: 1. Таълим бериш. 2. Таълим олувчи. 3. Мақсадли. 4. Натижавий. 5. Ўқув ахборотининг мазмуни. 6. Педагогик технология (усуллар, йўллар, воситалар ва бошқариш шакллари). 7. Назорат таҳлилий компонент[11].

Таълим технологияси (ТТ) – техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларни ўз олдидаги таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштириш жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули.

ТТ тузилмаси: 1. Концептуал асос. 2. Мазмуний қисм мақсадлар (натижалар, ўқув ахбороти). 3. Жараёнли қисм (усуллар, йўллар, воситалар, ўқитиш, ахборот ва бошқариш шакллари).

Ўқитиш технологияси (ЎТ) – аниқ (конкрет) ўқув-тарбия мақсадини амалга оширишни ва истиқболда белгиланган натижаларга эришишни кафолатлайдиган ўқув моделини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни

хамда унинг баёни (технологик харитаси). ЎТ тузилмаси: усуллар, йўллар, воситалар, ўқув ахбороти ва бошқариш шакллари.

Предметли методика (ПМ) – педагогик фан соҳаси бўлиб, қуйидаги саволларга жавоб беради: Нимага ўргатиш керак? Қандай ўқитиш керак? Қандай ўқиш керак? ПМ мазмуни ушбу предметни ўқитиш вазифалари ва мазмунини аниқлаш ҳамда уни амалга оширишдан иборат.

Юқоридагилардан кўринадикки, таълим технологияси – педагогик тизим компонентидир. Жараёнли қисм эса таълим технологиясининг муҳим элементи ҳисобланади.

Ўқитишнинг предметли методикасидан фарқли равишда технология қуйидагича лойиҳалаштирилади:

- муайян шароитлардан келиб чиқиб, белгиланган натижаларга эришишга йўналтирилган, олдиндан ўйлаб қўйилган аниқ педагогик фаолиятга қаратилади;

- ўзининг натижавийлиги, натижаларининг қайта тикланиши, “агарда” сўзини кўпчилик ҳолларда ишлатилмаслиги билан фарқланади, агарда талантли ўқитувчи ва талантли таълим олувчи, ўқитиш воситалари, жумладан, ахборот технологиялари ва шу кабилар етарли миқдорда мавжуд бўлса;

- муқобил кўринишларнинг бўлиши мумкин эмас, унинг асосий вазифаси режалаштирилган натижага эришишни кафолатлаш;

- дарсни таълим берувчилар учун методик ишлаб чиқишдан фарқли равишда таълим олувчиларга ва уларнинг шахсий фаолияти ҳисобига ўқишда ютуқларга эришишларини таъминлашга йўналтирилганлиги;

- технологияда ортиқча ҳеч нарса бўлмаслиги шарт: ўзлаштириш йўлларини, усулларини ва воситаларини алмаштириш, бу – технологиянинг йўқлиги белгиси.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, таълим жараёнида педагог-технолог алоҳида тажриба ўтказмайди, у олдиндан аниқ айтиладиган натижа асосида иш тутади; фақатгина яхши маълум бўлган, синовдан ўтган, асосланган ва гумон уйғотмайдиган маълумотларга суянади.

Қуйида анъанавий ўқитиш билан замонавий технологияларга асосланган ўқитиш орасидаги фарқ ва белгилар келтирилган.

Анъанавий ўқитишнинг асосий белгилари (концептуал асослари) – мажбурловчи, таълим олувчига ёндашиш бўйича насиҳатгўйлик, аксарият усул бўйича репродуктивли, ўқитишни қаттиққўллик билан ташкил қилувчи авторитар, таълим олувчиларнинг мустақиллигини ва ташаббускорлигини унчалик таъминламовчи педагогикага асосланади. Ўқитиш, қандайдир ўртача

ҳолга келтирилган ўқувчига, уни билимларни ўзлаштиришига ва қайта тиклашига қаратилган. Ўқиш – эслаб қолиш функцияси, ўқитиш эса – етакчи фаолият. Шахсни тушунча ва маълумотлардан юзаки хабардор бўлиши, уларнинг моҳиятига тўлиқ тушуниб етмаслиги ва ҳ. Ўқитиш жараёни: таълим берувчи – дарслик – таълим олувчи.

Замонавий технологияларга асосланган ўқитишнинг асосий белгилари (концептуал асослари) – шахсни шакллантиришга йўналтирилган таълимга асосланган. Таълим олувчи шахси – таълим жараёнинг асосий фигураси.

Муносабатларнинг инсонпарварлиги ва демократлашуви, ўқишга мажбурлашдан воз кечиш. Ўқитишга дифференциялашган ёндашув: таълим олувчининг умумий интеллектуал ривожланиш даражасини ва уни ушбу предметни, мавзунини ўзлаштиришини, унинг қобилиятларини ва сифатларини ҳисобга олиш. Ўқиш фаолияти – билимларни мустақил эгаллаш ва таълим олувчи томонидан ўзлаштирилган билимларни қўллаш: характери бўйича муаммоли, изланувчан, ижодий. Таълим ва тарбиянинг бир бутунлиги, шахс маданиятини ривожлантиришга йўналтирилганлиги. Ўқитишнинг янги жараёни: таълим олувчи – дарслик – таълим берувчи.

Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, янги педагогик технологияларга асосланган замонавий таълим анъанавий таълимдан концептуал асослари, таълим усуллари ва воситалари, уни ташкил қилиш шакллари ва натижалари таълим олувчиларининг билим, кўникма, малака (БКМ)ларни ўзлаштириш даражалари билан сезиларли даражада фарқ қилади. Замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ўқув жараёнини мукамаллаштиришга кўмаклашиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бу ўз навбати-да, мустақил Ўзбекистоннинг халқ таълими тизимида ижобий ўзгаришларни тезлаштиради. Замонавий педагогик технологиянинг моҳияти ҳақида хулоса қилиб қуйидагиларни айта оламиз: педагогик технологиянинг моҳияти – ўқитиш жараёнини бутунлигича ва тугалланган ҳолда олдиндан лойиҳалаш-тиришдан иборат.

Аниқ лойиҳалаштирилган технологик жараёнда педагогик ва дарс иш ҳаракатлари, операциялари ва коммуникацияларининг занжири кутилаётган аниқ натижалар шаклига эга, қўйилган мақсадларга қатъий мос равишда тузилади. Технологик операцияларни босқичма-босқич лойиҳалаштириш ва кетма-кет амалга ошириш, бир томондан ҳар қандай таълим олувчи томонидан қайта тикланиши керак, бошқа томондан эса режалаштирилаётган натижаларга барча таълим олувчилар томонидан эришишни кафолатлаши зарур, бунда технологик жараён таълим берувчи ва таълим олувчининг бири-бири билан боғлиқ фаолиятини, дифференциялашганлик тамойилларини ва

уларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида, инсон омили ва техник имкониятларни оптимал амалга оширишни, диалогдан ва мулоқотдан фойдаланишни олдиндан назарда тутати. Яъни:

- ❖ педагогик технологиянинг асосий қисми – бир хил имкониятли аниқ ме-зонларни ва фаолият натижаларини баҳолаш кўрсаткичларини амалга ошириш ҳамда шу орқали ташҳис қўйиш жараёни ҳамдир;
- ❖ тузатишлар киритиш жараёни таълим олувчининг хатоларига эмас, балки таълим олувчига нисбатан қўлланилаётган ўқитиш жараёнини ташкил қилиш усулини ўзгартиришга йўналтирилиши зарур.

Демак, ҳозирги замон ўқитишдаги илғор усуллардан бири таълимнинг интерфаол методлар бўлиб, улар таълим жараёнини фаоллаштириш, ўқишга нисбатан бурч масъулиятни ошириш, ўқитувчи ва ўқувчилардан ташаббускорлик, мустақил билим олиш ҳаваси ва ижодкорликни ўстириш, дарс жараёнини жонли-жозибали ва қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Ўқитишнинг интерфаол методларини қўллаш мактабдаги таълим-тарбия ишларига жўшқинлик ва ғайрат киритади. Маҳоратли, ижодкор ўқитувчилар мактабларда таълимнинг интерфаол методларидан фойдаланиб, таълим-тарбия ишларида юқори самараларга эришмоқдалар. Уларнинг ижодий изланишлари, саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирги замон ўқитиш амалиётида замонавий дарс назарияси, методик асослари, технологияси яратилиб, улардан таълим муассасаларида фойдаланилмоқда.

Интерфаол дарслар ўз мазмуни, мақсади ва услубига кўра шартли равиш-да қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Мусобақа, ўйин тарзидаги дарслар: конкурс, турнир, эстафета, лингвистик, маиший турмуш, дуэль, кун, амалий, ролли, сюжетли ўйинлар, кроссворд, викторина ва бошқалар.

2. Ўйин материални ноанъанавий тарзда ташкил этувчи дарслар: донишмандлик дарси, ошкора фикр дарси, дарс-блок, дарс-дублёр ва ш.к.

3. Ўз жанри, мазмуни, шакллари ва услуби бўйича ижтимоий амалиётда мавжуд бўлган дарслар: тадқиқотчилик, ихтирочилик, биринчи манбаларни ўрганиш ва шарҳлаш, фикрий ҳужум, интервью, репортаж, тақриз ва ҳакозо.

4. Расмий муомалани эслатувчи дарслар: матбуот конференцияси, аукцион, митинг, баҳс, мунозара (регламентли), панорама, телекўрсатув, телекўприк, рапорт, фильм, “жонли газета”, оғзаки журнал.

5. Фантазияга асосланган дарслар: эртақ-дарс, дарс-сюрприз, Ибн Ҳаттоб совғаси дарси.

6. Ташкилот, муассасаларнинг имитацион фаолиятига асосланган дарслар: суд, тергов, трибунал, цирк, патент, бюро, илмий кенгаш.

7. Оммавий, маданий тадбирларни ўтказишга доир имитацион фаолиятга асосланган дарслар: сиртки экскурсия, ўтмишга саёҳат, адабий сайр, адабий меҳмонхона, интервью, репортаж.

8. Синфдан ташқари анъанавий ишларга асосланган дарслар: кувноқлар ва зукколар баҳси, мунозара ёки мушоира дарси, эрталиклар, спектакль-дарс, концерт-дарс, бадий асар таҳлили, билимдонлар клуби, “Терговни билимдонлар олиб боради” ва ҳ.

9. Интеграциялашган (уйғунлашган) дарс.

10. Дарс қурилишининг анъанавий усуллари ўзгартирилган дарслар: дарс-консултация, дарс-практикум, дарс-семинар, жуфт савол, экспресс, баҳо ҳимояси, телевидениесиз теледарс ва ҳақозо.

Интерфаол дарсларни дарсларни ташкил этишдан мақсад:

- ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулотларни олиб бориш;
- машғулотларда ҳар бир ўқувчининг мавзуларни мустақил ва ижодий ҳолда ўрганиш, фикрларини эркин, тўла баён этишларига имконият яратиш;
- ўқувчиларда муомала маданиятини, бошқа умуминсоний хислатларни юксалтириш;
- машғулотларни ишчанлик вазиятида ўтказиш, вақтни тежаш кабилардан иборат.

Умуман олганда интерфаол дарслар ҳар доим байрам кўринишида бўлиб, ҳар бир ўқувчи унда ўзини намоён қила оладиган, синфда ижодий муҳит ҳукмрон бўладиган ҳолатда ташкил этилса юқоридаги мақсадга эришиш мумкин[9].

- ❖ Интерфаол дарсларни уюштиришда қуйидаги тавсияларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:
- ❖ интерфаол дарслардан билим ва кўникма, малакаларини баҳолаш ва ҳисобга олишда, мустаҳкамлаш ва умумлаштиришда, кенгайтириш ва такомиллаштиришда фойдаланиш;
- ❖ ўқитувчининг ҳадеб бир хил усулни қўллаши ижобий натижа бермайди, балки унга нисбатан қизиқишни сусайтиради;
- ❖ интерфаол дарсларга пухта тайёргарлик кўриш, биринчи галда унинг ташкилий томонлари, мақсад ва воситаларини аниқ ишлаб чиқиш;
- ❖ интерфаол дарсларда ўқитувчи ўз имкониятларини, руҳий ҳолатини, синфнинг тайёргарлик даражаси ва хусусиятларини ҳисобга олиши;

- ❖ бундай дарсларни ташкил этишда бошқа ўқитувчиларни ҳам жалб этиш;
- ❖ интерфаол дарсларни ўтказишда “болалар билан болалар учун” деган қоидага риоя қилиш.

Демак, ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири интерфаол дарслар бўлиб, бугунги кунда республикамиз мактабларидаги илғор ўқитувчиларимиз улардан кенг кўламда фойдаланиш билан бир қаторда унинг янгидан-янги турларини излаб топмоқдалар ҳамда уларни педагогик амалиётга татбиқ этмоқдалар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш – машаққатли иш ҳисобланади. Бунда ўқитувчининг энг машаққатли ишларидан бири шуки, у ҳар бир ўқувчининг шахсий (индивидуал) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулотларда барча ўқувчиларнинг фаоллигига эришишдан иборат. Бу ўринда ўқувчининг фаоллиги ўз-ўзидан ошмаслигини, балки бу онгли муносабат натижаси эканлигини ёддан чиқармаслик зарур. Модомики, фаоллик онглилик натижасида вужудга келар экан, у таълим-тарбия ишининг мазмуни, ташкил этиш шакли, амалга ошириш методлари ва воситаларини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади. Ўқитувчи ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишини онгли равишда оширишга ҳаракат қилиши зарур.

Юқорида баён қилинган хулосаларга асосан қуйидагиларни тавсияларни келтириш мумкин:

1. Ўқувчиларини ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинлари, соҳалари билан таништиришда, уларни амалий фаолиятга тайёрлашда, турли касбларни танлашга йўналтириш ва шу орқали мустақил ҳаётга тайёрлашда технология фани дарсларида катта имкониятлар мавжуд. Шусабабли технология фани машғулотларини ташкилий-услубий, илмий-техникавий, ғоявий-сиёсий томондан пухта ўтказишга эришиб бориш ҳар бир технология фани ўқитувчисининг касбий бурчидир.

2. Технология фанида амалий машғулотлар ҳажми ва мавқеи жиҳатидан асосий ўринни эгаллайди. Амалий машғулотларда ўқувчиларга ишлаб чиқариш асосларига оид билим берилади, кўникма ва малакалар сингдирилади. Бунда уларга турли хил асбоб-ускуналар ва иш усуллари ҳамда буюмлар ясаш усуллари ўргатилади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик кўриши, дарсда ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган шароитларни яратиши керак.

3. Технология фанида амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Булар жумласига машқ қилиш, амалий иш,

лаборатория иши кабилар киради. Амалий машғулотларни ўтказишдаги асосий усул – инструктаж усулидир. Юқорида айтилган методлар намоёиш қилиш ва иллюстрация методлари билан қўшиб олиб борилса – дарсларнинг самарадорлиги таъминланади.

4. Ҳозирги пайтда технология фани дарсларида ўқувчиларга асосан қоғоз, газлама, ёғоч, пластмасса ва металл каби материаллардан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш ва таом тайёрлаш ишларини ўргатиш бўйича билим ҳамда амалий кўникмалар сингдириб келинмоқда. Келгусида технология фани дарсларида, айниқса, ўқувчиларнинг амалий ва ижодий фаолиятини ташкил этиш ҳамда ўтказишга оид машғулотларда уларга тадбиркорлик ишларини ўргатиш, тадбиркорлик ишларини ташкил этиш бўйича ҳам махсус тушунчалар беришни йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил 24 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тарққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. Т., 2020 йил 6 ноябрь ПФ-6108.

3. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. Т.: O'zbekiston, 2017. – 488 б.

4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ, 1997 йил 29 август. 6-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1998. – 324 б.

5. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат: Ўқув кўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003. – 174 б.

6. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т.: Ўқитувчи, 1990. – 232 б.

7. Давлатов К., Воробьев А.И., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси: Педагогика институти талабалари учун кўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1992. – 320 б.

8. Шомирзаев М.Х. Мактаб технология таълимида миллий хунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш назарияси ва амалиёти. Монография. –Т.: Tafakkur, 2020. – 164 б.

9. Шомирзаев М.Х. Ўқувчиларда халқ хунармандчилиги касбларига қизиқишни фанлараро шакллантириш омиллари //Мактаб ва ҳаёт. – Т., 2019. – 6-сон. – Б.23.

10.Шомирзаев М.Х. Таълим технологияларидан фойдаланиш муаммолари //Замонавий таълим. –Т., 2019. – 9 (82)-сон. – Б.27.

11.Шомирзаев М.Х. Ўқувчиларда халқ миллий хунармандчилиги касбларига қизиқишни шакллантиришда таълим технологияларидан фойдаланиш // Қорақалпоқ давлат университетининг хабарномаси. –Нукус, 2019. –4 (45)-сон. – Б. 101.

12.Шомирзаев М.Х. Технология таълимида ўқувчиларни халқ хунармандчилиги касбларига йўналтиришни такомиллаштириш //Fan va jamiyet (Pim ham jamiyet). – Нукус, 2020. –2-сон. – Б.99.

13.Технология таълимида “Кластер” методидан фойдаланиш стратегияси //Халқ таълими. –Тошкент, 2020. –5-сон. – Б.67.

14.Shomirzayev, M.Kh. (2019). Ethnic peculiarities of artistic embroidery of the peoples of the Ferghana valley. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences.-7 (12).-P. 967.